



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 12 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 221 (12.532)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сарвар Урмаилов (ёқ.) — асган сурат

2013 йил — Обод турмуш йили

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ФИДОЙИЛАРИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ушбу санага бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирга тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар тақлиф қилинди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Тиббиёт тизимини ислоҳ этишга оид бир юз эллика яқин қонун ва қонуности ҳужжати қабул қилиниб, уларда белгиланган чора-тадбирлар амалиётга изчил жорий этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чу-

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси мамлакатимизда шифокорлар байрами сифатида кенг нишонланади.

қурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори халқимизга қўрсатилган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада юксалтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Изчиллик билан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар самарасида халқимизга жажон андозалари даражасида бирламчи тиббий-профилактика, шунингдек ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатиш қўла-ми йилдан-йилга кенгаймоқда.

«Соғлом она — соғлом бола» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида хотин-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларни поливитамином билан таъминлаш, она-бола скрининг хизматини ривожлантириш, неонатал ва перинатал ёрдамини сама-

рали ташкил этиш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли реконструкция ва қурилиш ишлари тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда соҳада жажон тиббиётининг янги технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Обод турмуш йилида жойларда бир юз қирқ олтинчи тиббиёт муассасасида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Мазкур тадбирлар халқимизнинг тиббий хизматдан баҳрамандлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ўз самараларини бераётди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕВРОПА ТАЪЛИМИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда Европа таълими кунлари Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилмоқда.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Ю.Штерк, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Т.Низомов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури юртимизда мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳада самарали халқаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделининг малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилганидан яна бир ёрқин далолатдир. Бугун Ўзбекистон ёшлари нафақат мамлакатимиз, балки нуфузли хорижий ўқув юртларида ҳам ўз билимини ошириш, замонавий ахборот технологияларини чуқур ўрганиш, халқаро стандартлар даражасида таълим олиш имкониятига эга.

Ўзбекистонда Европа таълими кунлари 2013 йилнинг 15 ноябрга давом этади. 11 ноябрь куни Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Европа Иттифоқида ўқиш» мавзусида таълим кўргазмаси очилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадий академиясининг Марказий

кўргазмалар залида таниқли рассом Светлана Цойнинг шахсий кўргазмасининг очилиш маросими ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманида-

ги 283-мактабда «Қувонч» болалар ашула ва рақс гуруҳининг концерт дастури бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Давлат шарқшунослик институти қоши-

даги Олмазор академик лицейида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбир «Вояга етмаган қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш»га бағишланади.

«OST-AUSSCHUSS INFORMATIONEN» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси муассислигида ҳар ойда чоп этиладиган «Ost-Ausschuss Informationen» журнали саҳифасида яқинда Ўзбекистон билан ҳамкорлик мавзусига бағишланган салмоқли мақола босилиб чиқди.

Ишбилармонлар нашри ҳисобланадиган ушбу журнал Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши масалаларини ёритади. Журналнинг ҳар сониди Шарқий қўмита фаолияти доирасига қирадиган минтақалар, шунингдек, шериклик муносабатлари, турли учрашув ва бошқа тадбирлар ҳақидаги мақолалар чоп этилади.

Мамлакатимизга бағишланган мазкур мақола аввалида Ўзбекистоннинг катта саноат ва технологик салоҳиятларга эга бўлган, ишончли ва узоқ муддатли шерик — Германия билан кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлиги қайд этилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда немис сармоядорлари иштирокида тузилган юздан ортиқ корхонанинг фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, MAN, Claas, Lemken, Knauf сингари бутун дунёга машҳур саноат гигантлари билан юк автомобиллари, қишлоқ хўжалиги техникалари ва уларнинг бутловчи қисмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилаётгани Ўзбекистон ва Германия ўртасида муваффақиятли иқтисодий ҳамкорликнинг мавжуд эканлигидан далolat беради.

«Ўзбекистон аҳоли сони жиҳатидан Марказий Осиёдаги йирик давлат ҳисобланади, деб ёзади журнал. Минтақанинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон истиқболли бозор ҳамдир. Республиканинг бой минерал-ҳом ашё салоҳияти, ривожланган саноат ва транспорт инфратузилмаси ҳамда юқори малакали мутахассислари қўшма сармоявий лойиҳалар муваффақиятининг гарови ҳисобланади».

Мақолада қўлай сармоявий муҳит таъминланиши мақсадида Ўзбекистонда қўнучиликни узлуқсиз равишда такомиллашиб бораётгани алоҳида таъкидланган. «Сўнгги икки йил мобайнида чет эллик сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бюрократик тўсиқларга барҳам бериш ҳамда ҳисоботлар ва фаолиятнинг лицензияланган турларини қисқартиришга йўналтирилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. Натижада ўтган йили мамлакатда 23 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари очилдики, уларнинг ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмидаги ҳиссаси 54,6 фоизгача ўсди».

«Ost-Ausschuss Informationen» журнали 500 та сармоявий лойиҳа амалга оширилишини кўзда тутадиган «Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида»ги Дастурнинг ҳаётга тадбиқ этилаётгани масаласига алоҳида эътибор қаратган. Мақола билан танишган немис сармоядорлари «Навоий» эркин индустриал иқтисодий ҳудуди, «Жиззах» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналарида яратилган қўлай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар, Ўзбекистон эркин савдо тўғрисида битим тузган МДХ мамлакатлари ҳамда Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё бозорларига маҳсулот экспортини амалга оширишнинг имкониятлари тўғрисида атрафлича маълумотларни олишлари мумкин.

Кези келганда қайд этиш жоизки, кейинги йиллар давомида Германияда мамлакатимизнинг бой иқтисодий ҳамда сайёҳлик салоҳиятига, унинг санъати, маданияти ва анъаналарига бўлган қизиқиш кучайиб бораётгани кузатилмоқда. ГФР оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон мавзусига бағишланган мақолалар мунтазам равишда эълон қилинаётгани мамлакатимизнинг сармоявий имкониятлари ҳамда сайёҳлик салоҳияти Германия ишбилармон доиралари ва немис жамоатчилиги ўртасида тобора оммалашиб бораётганидан далolat беради.

«Жаҳон» АА
Берлин



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий форумининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Форумда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, давлат солиқ бошқармаси ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолияти юзасидан жамоатчилик эшитиуви ўтказилди.

• Термиз шаҳрида асал байрами ва савдо-ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Германия Халқаро Ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят асарачилари ўзлари ишлаб чиқараётган шифобахш маҳсулотлар билан иштирок этди. Ярмаркада Узун давлат ўрмон хўжалиги, Бойсун туман асарачилар уюшмаси, Сарийосиё ва Шеробод туманларидаги «Фахриддин асалчи», «Меҳринисо-Озода-Асилбек» асарачилик фермер хўжаликлари маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

• Андижонда «Гастроэнтерологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, юртимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий марказлар мутахассислари, чет эллик олимлар, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Кўқон шаҳрида «Биз Ватанга содиқ фарзандимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилоятининг турли ҳудудларидан келган истеъдодли, изланувчан, фаол ёшлар иштирок этди. Фестиваль якунида таниқли ва ёш хонандалар иштирокидаги концерт дастури барчада катта таассурот қолдирди.

ЖАҲОНДА

• АҚШлик олимлар коинотнинг Со-мон йўлида Ерга ўхшайдиган 8,8 миллиард сайёра борлигини аниқлашди. Уларнинг ўлчами, массаси ва юзасидаги ҳарорат сайёраимиздагига ҳар томонлама яқин экан. Шу боис мутахассислар уларда ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин, деган тахминларни илгари суришяпти. Бу натижага «Кеплер» телескопни ёрдамида аниқланган маълумотлари таҳлил қилиш орқали эришилган.

• Филиппин соҳилларига «Хайян» деб номланган тўфон яқинлашмоқда. Соатига 240 километр тезлик билан ҳаракатланаётган табиий офат, ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат ҳудудига бугун ёки шанба куни эрта-лаб кириб боради.

• Буюк Британиянинг «BAE Systems» концерни Англия ҳамда Шотландиядаги кемасозлик корхоналарида иш ўринлари сонини 1800 тага қисқартиришини билдирди. Хусусан, концерн Портсмут шаҳридаги бўлимини бутунлай ёпмоқчи. Ушбу режа 2016 йилдан кейин амалга оширилади.

• Мадриднинг «Реал» футбол клубига тегишли машҳур «Сантьяго Бернабеу» стадиони номи «Microsoft»га ўзгартирилиши мумкин.



Қарор ва ижро

КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори Ж.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини, замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ташқи бозорга қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий қўмаклаштиш учун барча шароит яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий сектор фаолияти учун янада қулай шароит яратишга қаратилган ислохотларнинг мантйқий давоми бўлди. Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда филиаллари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Тадбирда иштирокчилар жамғарма вазифалари билан

Тошкентда мебель ишлаб чиқариш корхоналарининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларга замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қўмаклаштишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилди.

таништирилди. Хусусан, жамғарма экспортга мўлжалланган маҳсулотларнинг мамлакатимиз брендларини ривожлантириш, экспортга етказиб бериш кўламини кенгайтириш, жумладан, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигидаги мувофиқ зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро тендер савдо-ларидида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиш йўналишлари ҳамда бошқа тўловлар учун бегараз молиявий ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хорижий кўргазма ҳамда ярмаркаларда иштирок этиш, экспорт шартномаларини тузиш, янги бозорларга чиқиш ва маҳсулот турларини экспорт қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.

– Фирмамиз 14 йилдан буюн кенг турдаги мебель жиҳозлари ишлаб чиқаради, – дейди ўзА мухбирига «Shelby trading» масъулияти чекланган жамияти директори И.Самархўжаев. – Замонавий дастхонлар билан таъминланган корхонамизда юқори малакали мутахассислар меҳнат қилаётди. Маҳсулотларимиз рақобатбардош ва яқин вақт ичида уларни экспорт қилишни режалаштирмакдамыз. Бу борада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ёрдам беришига ишонамиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мутахассислари иштирокчилар саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Роман БОНДАРЧУК

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг жаҳон ҳамжамияти билан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида алоқалар ўрнатиш имкониятини қўлга киритди. Биз ўз манфаатларимизни амалга ошириш учун тенг шерикчилик асосида бошқа давлатлар, халқлар ташкилотлар, транснационал компаниялар, фирмалар билан шартномалар тузиш имкониятига эга бўлдик. Халқаро ҳамкорлик бу биринчи галда давлатлар олдига қўйган функциялардан бири бўлмоқчи даркор. Чунки ҳеч қайси жамият ёхуд давлат ўз ўзидан, бошқа давлатлар билан алоқа қилмай ривожланиши, тараққий этиши мумкин эмас. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш иқтисодий сиёсатнинг ҳал қилувчи устувор вазифаси бўлиб келмоқда.

Шу мақсадда Юртбошимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янги йўналишлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йили иқтисодиётимизга 11,7 миллиард доллар миқдорда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилиб, бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсганлиги таъкидланди. Уларнинг 4/3 қисми тўғридан тўғри жалб этиладиган инвестициялардир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки инвестициялар, биринчи галда тўғридан тўғри инвестициялар оқими – бу, чет эллик шерикларимиз республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самардорлигини тан олгани, уларни биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигининг яна бир тасдиғидир. Ўз ўзидан аёнки ҳеч қайси фирма, айниқса хусусий фирмалар чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишни зарур қарорларни мажбур бўлмаган бозорга қадам босмайди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омили бўлди. Энди қисқача инвестиция сўзининг луғавий маъносига эътибор берадиган бўлсак, «Инвестиция» сўзи латин тилидан олинган бўлиб, «INVESTIRE» яъни «кийинтирмоқ», «кийгазм» ёхуд «ясантирмоқ», рус тилида эса, «облачать» деган маъноларни англатади. Шундан кўриниб турибдики, иқтисодиётимизни кийинтиришимиз, ясантиришимиз, унга оро беришимиз зарур. Хозирги кунда инвестиция истилоҳи остида «капитал қўйилмаси» деган маъно аниқлашди. Истилоҳий маъносига кўра инвестиция – бизнинг қонунчилигимизга кўра иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилмайдиган моддий ҳамда номоддий неъматлар ҳамда уларга оид ҳуқуқлардир. Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бир қўлини шидир, шунинг учун ҳам тадбиркорликка ҳозир белилар, яъни мулкнинг мустақиллиги, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳозир белилар хусусийдир. Тадбиркорлик ҳаммаш тараққий қилмоқчи бўлиб келган.

Инвестицияларни Ўзбекистон Республикасига чет элдан киритишни биз ўз иқтисодий ривожланишимизга кенг имкониятлар яратади. Хусусан, янги техника ва тех-

нологияларнинг кириб келишига, импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилишига, рақобатбардош экспорт маҳсулотларининг ишлаб чиқилишига, чет эл валюта запасининг ошишига, ҳудудимиздан чет эл валютасининг чиқиб кетишининг камайишига, миллий валютамизнинг қадрини ошишига, ишчи ўринларининг ошишига (ишсизлигининг олдини олишга), аҳоли харид қобилиятининг ўсишига, шу хусусда олим Ж.М.Кейнс шундай дейди: «Инвестициянинг кенгайиши аҳолининг меҳнатда бандлигининг, шу сабабли, жамият даромадининг ва аҳоли истеъмол талабининг ўсишига

олиб келади», рақобатбардош кадрларнинг шаклланишига, халқаро интеллектуал ютуқлар ва тажрибаларнинг кириб келишига, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан ўсишига ва бошқа қўллаб-қувватлашга олиб келади.

Ҳўш, инвестицияларнинг киритилиши биз учун катта фойда келтирар экан, инвестор бундан қандай манфаатдор бўлади? деган ҳақли савол туғилди. Айнан уларни қандай манфаатлар қизиқтираётганини ўрганиб чиқиш, тадқиқ этиш ва шу манфаатларга қаршилиқ қилувчи омилларни бартараф этиб юридик жиҳатдан таъминлаб қўйиш Ўзбекистонга киритилаётган инвестицияларнинг ҳуқуқий тартибга солинишидаги асосий вазифа деб ҳисоблайман.Шундай қилиб инвесторларнинг қизиқиш доирасини таҳминан қўйиладиган ташкил этади:

Биринчидан, агар улар фақатгина бир мамлакат доирасида ўз фаолиятларини чеклаб қўйганларида жудаёқ нотўғри иш қилган бўлар эдилар. Улар ўз фаолиятларини кенгайтиришга қанчалик кучли киришса, фойда олиш учун капитал ётқизилмайдиган жойларни қидириб топиш шунчалик маъно-мазмун касб этиб бораверади.

Иккинчидан, чет элларда фирма ташкил этган ташкилот кўп ҳолларда арзон ишчи топиш афзаллигини қўлга киритади.

Учинчидан, бир неча мамлакатларда ўзининг турдош тармоқ корхоналарига эга бўлиш уларга хилма-хил табиий ресурсларни ишга солиш йўлини очиб беради. Туртинчидан, ер юзидида кўп бозорларда ўзининг турли фирмаларига эга бўлган транснационал компаниялар

Пойтахтимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг мақсад ва вазифалари ҳамда жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишлар мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

Мазкур тадбир тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий вазифалари, тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган хизмат турлари, қилинган ишлар ҳамда мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши кичик бизнес субъектлари сонининг ортиб боришига ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Юртимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг имкониятлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 21 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти ташкил этилган бўлиб, товар ва хизматлар экспорти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоизга ошди. Тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси эса бу жараёнда хусусий сектор учун мустаҳкам «кўприк» вазифасини ўтамоқда.

Жамғарманинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, мулк эгаларига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш даражасини кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, фаолияти экспортбop маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган субъект-

ларни ташқи бозор конъюнктура-си ҳавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишдан иборат.

Бундан ташқари, жамғарма мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини ўрганган ҳолда тегишли лицензиялар, рухсатнома ва сертификатлар олиш ҳамда бошқа масалаларда тадбиркорларга юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишда ҳам қўмаклашади.

– Жамғарманинг марказий ижро органи, шунингдек, унинг ҳудудий филиаллари ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят бўлимлари замонавий компьютер, зарур алоқа ва техника воситалари билан таъминланди ҳамда ташқи савдо операцияларини муваффақиятли амалга ошириш учун малакали мутахассислар жалб этилди, – дейди Тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори Жаҳонгир Мустафоев. – Жамғармамизнинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлсада 120 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатилиб, 38,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни хориж бозорларига экспорт қилишга эришилди.

Шунингдек тадбирда экспортбop маҳсулот ишлаб чиқараётган ҳар бир корхона хорижий давлатларда ташкил этиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда ўз маҳсулотларини намойиш этиш ҳамда янги ҳамкор ва харидорлар топишда ҳам жамғарма ёрдамидан фойдаланиш имконига эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Абдуалим САЛИМОВ

бир қатор ҳолатларда ўз бойлигини турли хил фирмаларга тақсимлаб бериб солиқлар тўлаш вақтида имтиёзларга эга бўлиши мумкин.

Бешинчидан, иқтисодий жиҳатдан маҳаллий корхоналарни ҳимоя қилиш мақсадида божхона тўловларини катта миқдорда белгиланган давлатлар бозорига ушиб божхона тўловларини умуман тўламай кириб бориш имкониятига эга бўладилар.

Ва ниҳоят, транснационал компаниялар ўзи учун бекарорлиқнинг манбаи бўлиши мумкин бўлган турли битимларни ўз корпорацияси доирасидан чиқариб юрмаслик (интернационализация қилмаслик) имкониятига эга бўладилар. Бир неча мамлакатларда жойлашган ўз заводлари ва идоралари ишнини бир ерга жамлаб, бир ердан бошқаришни ташкил этиш билан улар ўзлари учун зарур материаллар топиш ва хизматлар кўрсатиш ботида бошқа компанияларга қарам бўлиб қолмайдиган бўлади. Бош ташкилот ўз кўл остидаги тармоқ корхоналарга етказиб бериладиган товарлар ва хизматларга ҳоҳлаган баҳони белгилашлари мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб туманимизда инвестициявий йўл билан қўйиладиган ташкилотлар ўз фаолиятларини тўлақонли амалга оширмақдalar. Жумладан, «Shayxontoxtextil», «Demaks», «Ваурак», «Палана», «Green line profile», «Богистон нон», «Труба комплект», «Чевар орзуси» ва бошқалар.

Юқоридаги ташкилотларнинг эмин эркин фаолият кўрсатишлари учун давлатимиз томонидан инвесторларга шароитлар яратилган бўлиб уларнинг барчасининг ҳуқуқий асоси мавжуддир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни, «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари тўғрисида»ги қонуни, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни қўлайлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа ўнлаб қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари Ўзбекистонда инвестицион муҳитнинг таянчи, ҳуқуқий асоси бўлиб турибди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ташқи капитал қўйилмалар, яъни инвестицияларнинг Ўзбекистон бозорига инвесторлар томонидан киритилиши бу биринчи навбатда ривожланиш, тараққийёт омилидир. Чунки, инвестиция киритилиши муносабати билан янги румсуддаги замонавий техника ва технологиялар кириб келади. Бунинг натижасида бизнинг кадрларимиз рақобатбардош кадрлардан соҳа сирларини ўзлаштирадilar, амалиётга қўйиладилар. Охир оқибат бу янги иш ўринларининг очилишига, бизнинг маҳсулотларимиз жаҳон бозоридан муносиб ўрин олишига, аҳолининг реал даромади ошишига ҳамда асосийси аҳолининг обод ва фаровон ҳаёт кечирishi олиб келади.

Баҳодир СУЛТОНОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ФИДОЙИЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ана шундай кенг кўламли тиббий ислохотлар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ўзайди. Оналар ва болалар ўлими уч баравар камайди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган бундай юксак ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофазалашга оид миллий модели тараққий топган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунга ёрқин мисолдир.

Республикамизда тиббийёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ушбу шарафли ва масъулиятли қасб эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида тиббийёт ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада орттирилган илгор тажрибани оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди. «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши умумий амалиёт врач», «Энг яхши патронаж ҳамшираси» каби номинатсиялар бўйича ўтказиб келинаётган аънанавий танлов шундай лойиҳалардандир.

Тадбирда ушбу танловнинг 2013 йилдаги ғолиблари эълон қилинди.

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги «Жамбул» кишлоқ врачлик пункти «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

Марғилон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Сирдарё вилояти Бобўт тумани 1-Бобўт 2-бўлим кишлоқ врачлик пункти мудири Гулчехра Назарова «Энг яхши умумий амалиёт врач», Наманган вилоятининг Чуст туманидаги «Каркидон» кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Насиба Султонова «Энг яхши патронаж ҳамшираси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Танлов ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Кишлоқ врачлик пунктимиз уч мингта янги аҳолига хизмат кўрсатади, – деди Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги «Жамбул» кишлоқ врачлик пункти шифокори Лола Курбонова. – «Саломатлик» лойиҳалари доирасида янги тиббий технологиялар билан жиҳозланган шифо масканимизда тиббий-профилактика ишларини юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилган. Шифокорлар ва патронаж ҳамшираларимиз хонадонларда бўлиб, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-тушултириш ишларини мунтазам олиб бораётди.

Байрам тадбирида концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент ирригация ва мелiorация институтида мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экологлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг ўринбосари К.Содиқов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари С.Сангинов ва бошқалар минтақамизда экологик барқарорлиқни таъминлаш, атроф-муҳитга инсон омилининг салбий таъсирини камайтириш ва табиий бойликлардан оқилona фойдаланиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида амалга оширилаётган иқтисодий-экологик сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда сув ресурсларини муҳофазалашнинг мустаҳкам ҳуқуқий механизмлари яратилган. 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди. Ўзгараётган давр талабларидан келиб чиқиб, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий асослар мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, сув ресурсларидан оқилona фойдаланишга қаратилган қатор миллий ва халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда кишлоқ ҳўжалигида тежамкор технологияларни қўллаш, ирригация тармоқларини модернизациялаш, томчилаб сўғиришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлда қабул қилинган «Сув ҳўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ сув ресурсларини маъмурий-ҳудудий бошқариш тизимидан воз кечилиб, ҳавзавий бошқаришга ўтилгани ирригация тармоқларини такомиллаштириш ва сувни тежашда яхши самара бераётди. Агар соҳадаги бундай изчил ишлар натижасида йилга ўн ўн миллилард куб метргача сув иқтисод қилинмоқда.

Ер ости чуқур сув манбаларини муҳофазалаш бора-сида ҳам кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди. Бундай манбаларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилиб, сув захиралари камайиши ва ифлосланишининг олдини олишга доимий эътибор қаратишмоқда.

Тадбирда минтақда сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар, агар тармоқда оби ҳаёт сарфини камайтиришга оид лойиҳалар самаралари, сувдан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатларни янада такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ўзА мухбири

Болалар-спортни

Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш онла институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида 2013 йил Ўзбекистон Республикасида «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди.

Жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан турли ташкилотлар билан ҳамкорликда 442 та мусобақалар ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда 240719 нафар ёш болалар иштирок этди.

Обод турмуш йили муносабати билан оилавий спортни ривожлантириш мақсадида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳрининг барча туман жамоалари иштирок этди.

Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни спортга қизиқтириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимияти, Тошкент шаҳар прокуратураси, Вояга етмаганлар комиссияси, Ички ишлар, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида пойтахтдаги барча туманларда ички ишлар бошқармаси назоратида турувчи болалар учун киши ва бахорги таътил кунлари семинар-тренинглари, психологик тестлар, таниқли спортчилар ва артистлар билан учрашувлар, спортчиларнинг кўргаз-

Жамғармаларимиз фаолиятдан

ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ
ЕТУК БЎЛАЙЛИК

мали чиқишлари ва турли хил спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилди.

Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш, болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олишига қўмаклашиш ҳамда болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод оғидида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида жамғармаларимиз томонидан аниқ ишларни ва тад-

бирларни амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Хулоса қилиб айтганда болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни кучайтириш жамғармаларимизнинг ўз олдига қўйган муҳим мақсадларидан биридир. Зеро, спорт мусобақаларида мунтазам қатнашаётган бола соғлом бўлади, баркамол шахс бўлиб вояга етади. Шу боис баркамол авлодни ўстириш мақсадида тинмай изла-наверамиз.

Махбуба ҚУРБОНОВА,

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Тошкент шаҳар филиали етакчи мутахассиси

Спорт турлари орасида шахмат ўзининг жозибадорлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам шахматни «ақл гимнастикаси» деб аташади.

Ёш чемпионлар

БАРАКАЛЛА, АКА-УКАЛАР!

Чунки бу спорт тури инсондан ўзига хос матонат иродани, зукколигу доноликни талаб этади. Бир сўз билан айтганда шахмат ақлни пешлайди.

Биз ҳўқоя қилмоқчи бўлган лавҳамиз қаҳрамонлари ака-ука Жавоҳир ва Ислонбек Синдаровлар аллақачон юртдошларимизга танилиб улгуришди. Аслида ҳали жуда ёш бўлишларига қарамай, ака-укалар Жавоҳир ҳам, Ислонбек ҳам унча-бунча спортчи эриша олмайдиган ютуқларни қўлга киритишди. Шу ўринда шахмат тождорлари Алёхин, Ботвинник, Капабланка, Каспаров ёки юртдошларимиз Рустам Қосимжоновнинг «ақл гимнастикаси» сирларини 4 ёшлиқларидан ўргана бошлаганликларини яна бир бор таъкидлашимиз келди. Чунки кимда-ким қайси спорт тури билан жуда ёшлигидан шуғуллана бошласа ва ўз олдига қатъий мақсадларни қўйса албатта орузси амалга ошмай қолмайди. Зеро, бу гап шахматга ҳам тааллуқли.

Жавоҳир ҳозирда 8,5 ёшда, укаси Ислонбек эса 6,5 ёшда бўлишларига қарамай шахмат сирларини тўрт ёшларидан ўргана бошлаган. Сергели туманидаги 305-мактабга таълим муассасасида шахмат тўғрисида мураббий Сабоҳат Зайниддинова устозлигида аввалига «ақл гимнастикаси» сирларидан бохабар бўлган Жавоҳирни бу спорт тури ўзига бутунлай ром этди-қўйди. У туну кун шахмат қоидаларини мукамал ўрганишга интилди. Унинг бу ҳаракати ўз самарасини берди. Жавоҳир 6 ёшга кирганда мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган Сергели туман биринчилигида чемпионлиқни қўлга киритди. Ундаги ўзгача интилиш ва қобилиятни сезган мураббийи Сабоҳат Зайниддинова тавсияси билан Тошкент шаҳар чемпионатида қатнашган Жавоҳирга рақиблари орасида тенг келадиган шахматчи топилмади. У энди шахмат чемпиони сифатида ўтган йили 7 ёшдан 10 ёшга бўлган шахматчилар орасида ташкил этилган республика чемпионатида яна зафар қўчди. Классик йўналишдаги мусобақаларда Жавоҳир мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

Бу зафарли одимларни Жавоҳир ўтган йили Деҳлида уюштирилган Осиё чемпионатида давом эттира олди. 7-10 ёшли болалар ўртасида шахматнинг классик йўналишида Жавоҳир тўртинчи ўринни эгаллади.

Жавоҳирдан икки ёш кичик бўлган Ислонбекни акаси эришадиган муваффақиятлар бефарқ қолдирмади чоғи, у ҳам шахмат би-

лан 4 ёшидан айнан 305-мактабга таълим муассасасида мураббий Сабоҳат Зайниддинова раҳбарлигида шуғуллана бошлади. Худди акаси каби 6 ёшда аввалига Сергели туман чемпионати ғолиби бўлган Ислонбекка шахмат биринчилигида ҳам омад қилиб бокди. У ҳам барча рақибларини енгиб олтин медаль билан тақдирланди. Ўтган 7-10 ёшлилар ўртасида шахмат бўйича уюштирилган республика чемпионати ғолиблигини қўлга киритган Ислонбекнинг орзулари катта.

— Келажакимиз ворислари бўлмиш фарзандларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлишлари учун мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги биз ота-оналарни хурсанд қилади, — дейди Санжар Синдаров. — Ўғилларим Жавоҳир ва Ислонбек туманимиздаги 305-мактабга таълим муассасасида тарбия топган. Айнан шу масканда шахмат тўғрисидаги ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Ўғилларим табиатан оғир, босиқ бўлганликлари сабабли, шахматга меҳр қўйишди. Бунда албатта мураббийлари Сабоҳатхоннинг хизматлари катта. Натижалар кўнгилдагидек. Энди фарзандларимнинг орузси жаҳон чемпионатида совриндор бўлиш.

Дарҳақиқат, Санжарбек Синдаровнинг ўғиллари Жавоҳир ва Ислонбекдан юксак натижаларни умид қилиши беҳиз эмас. Чунки жорий йил ёзда Эронда 6-10 ёшлилар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатининг рапида, классик ва блиц йўналишларида Ислонбек Осиё чемпиони деган шарафли номга эга бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, унинг бир вақтинчи ўзида ҳар учта йўналишда биринчи ўринни қўлга киритиши Ислонбекдан кўра ҳеч бир ёш шахматчига насиб этмаган. Эрондаги бахсларнинг 21 та партиясини ғалаба билан якунлаган Ислонбек фақатгина битта учрашувда дуранг натижа қайд этган, бирор марта мағлубиятга учрамаган.

Энди лавҳамиз қаҳрамонлари Жавоҳир ва Ислонбекларни янада жиддий синовлар қўтиб турибди. Жорий йилнинг декабрь ойида БААда 8-10 ёшли шахматчилар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Бу нуфузли мусобақада Жавоҳир ва Ислонбек Синдаровлар юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимиз кенг имкониятлар бешиги эканлиги шубҳасиз. Истиқлол шарафати туфайли Жавоҳир ва Ислонбекка ўшаган ёш чемпионлар сафи қўнайиб бормоқда.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Қарор ва ижро

ЭНГ ЯХШИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
ОБЪЕКТИ

Тошкентда энг яхши интеллектуал мулк объекти анъанавий танловининг «Yangi intellekt – 2013» ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилди.

Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари С.Насриддинов, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Шерматов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида илмий-техник ижодкорликни рағбатлантириш, инновация фаолиятини ривожлантириш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ихтирочиларни рағбатлантириш ва инновация фаолиятини ривожлантириш билан шуғулланаётган Интеллектуал мулк агентлиги бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, сўнгги уч йилда юридик ва жисмоний шахсларга ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари учун 6,3 мингдан ортиқ патент берилган.

2013 йилнинг 27 майдан 25 октябрга қадар давом этган «Yangi intellekt – 2013» танлови энг яхши интеллектуал мулк объектини аниқлашга ёрдам берди. Танлов мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларини кенг намойиш этиш, ихтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, янги технологиялар, товарлар ҳамда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқишни янада фаоллаштириш, соҳага инвестиция жалб этиш ва ишлаб чиқаришга истиқболли лойиҳаларни жорий қилишга қўмаклашмоқда.

Кейинги уч йилда ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари учун патент олган жисмоний ҳамда юридик шахслар, шунингдек, миллий дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар танловда иштирок этиш учун ариза берди. Қабул қилинган 141 ариза танлов комиссияси томонидан қўриб чиқилди. Натижада ҳар бир йўналиш бўйича ўнтадан энг яхши ариза танлаб олинди ва он-лайн тарзида овоз бериш учун агентлик сайтига жойлаштирилди. Овоз бериш якунлари бўйича «Энг яхши ихтиро», «Энг яхши фойдали модель», «Энг яхши саноат намунаси» ва «Энг яхши дастурий маҳсулот» йўналишларида утқадан ғолиб аниқланди.

«Фан ва тараққиёт» унитар корхонаси, Олмалик кон-металлургия комбинати ва «Kompzit» илмий-техник маркази ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган ялғиз печларидега сульфидли мис концентратларини эритишнинг янги услуби 2013 йилдаги энг яхши ихтиро деб топилди. Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган металлнинг ишқаланиш даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган дискли трибометр энг фойдали модель, «Совпластитал» очик акциядорлик жамиятининг дастурухон тузатиш учун идишлар тўплами ўз йўналишида энг яхши саноат намунаси деб эътироф этилди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини соҳасини ривожлантиришнинг долзарб жиҳатларини акс эттирадиган «Энг яхши дастурий маҳсулот» номинацияси ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Шу боис тадбирда Ўзбекистонда дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди.

Танлов якунларига кўра, «Энг яхши дастурий маҳсулот» йўналишида пойтахтимиздаги «Tetrasoft» илмий-ишлаб чиқариш фирмасининг миллий божхона қўнунчилиги бузилиши ҳақидаги ахборотни рўйхатга олиш ва сақлаш учун автоматлаштирилган ахборот тизими биринчи ўринга муносиб кўрилди.

— Дастурий маҳсулотимиз Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг барча таркибий бўлимларига муваффақиятли жорий этилди, — дейди «Tetrasoft» маъмули чекланган жамияти бош директори Маммадқосим Мамасаидов. — Бу маҳсулотдан асосан электрон ҳужжат айланиш ва электрон калит тизимида фойдаланиш жуда қулай. Ушбу тизим божхона қўнунчилигининг бузилиш ҳоллари, ҳуқуқбузарликлар, бу борада суд қарорлари ва бошқа маълумотлар жамланадиган ўзига хос базадир. Бундан ташқари, дастур ҳуқуқбузарликлар статистикасини юритиш ва божхона қўнунчилигининг айнан қайси моддалари кўпроқ бузилаётганини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Танлов ғолибларига диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбириТЕРМА ЖАМОАГА
НОМЗОДЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

Юртимизда болалар ўртасида спортни оммалаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, спортга ошно бўлган болалар ва қизлар ақлли, зукко, доно, чаққон бўлиб улғаядилар. Фарзандларнинг соғлом бўлиб вояга етишларида барча спорт турларининг аҳамияти бекиб. Аммо, стол тенниси фарзандларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол бўлиб улғайишларига катта ёрдам беради.

Мен стол тенниси бўйича мураббий сифатида Чилонзор туманидаги 43-сонли БЎСМда 2010 йилдан бери фаолият олиб бораман. Шунинг таъкидлаш жоизки, айнан шу йили ташкил этилган стол тенниси тўғрисида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар, 6 та гуруҳга бўлиниб ушбу спорт тури сирларини ўргана бошлашди. Бевоқиф спорт мактабимиз фаолиятига қисқача назар ташлайдиган бўлсак, ўқув масканимизда акробатика, бадий гимнастика, футбол, баскетбол, шахмат, шашка, қўл тўпи, эркин кураш тўғрисидаги болажонлар хизматида. Турсун Абдураимов раҳбарлик қилаётган 43-сонли БЎСМда тахсил олаётган болалар ва қизларга спортнинг юқорида тилга олинган турлари бўйича 20 нафар малакали мураббий сабоқ бермоқда.

Ҳозирда спорт мактабидидаги стол тенниси тўғрисидаги 100 нафар болалар ва қизлар азё. Стол тенниси сирларини ўрганаётган фарзандларимиз орасида ихтидорлилари жуда кўп. Чунки ҳар йили Чилонзор туманида стол тенниси бўйича уюштирилган турнирларда тўғрагимиз азёolari албатта юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар. Мисол учун жорий йилда стол тенниси бўйича туман миқёсида ўтказилган турнирда Мўмин Рустамов, Анвар Хамидов, Нуриддин Обиджонов шахсунинг энг юқори поғонасини эгаллашган бўлса, Иброҳим Маҳмудов ҳамда Исмоил Нигмоновлар фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Бу борада қизларимиз қайд этган натижалар ҳам чакки эмас. Туман мусобақасида фахрли биринчи ўринни Камола Қурбонова ва Севара Муталова қўлга киритган бўлса, Инна Адаевага иккинчи ўрин насиб этди.

Ўтган йили ҳамда жорий мавсумда стол тенниси бўйича шахримиз миқёсида уюштирилган мусобақаларда тўғрагимиз азёolari фахрли биринчи ўринга кўтарилишди.

Дарвоқе, ўтган йили уюштирилган «Умид ниҳоллари» спорт йилларининг Чилонзор туман босқичида спорт мактабимизнинг стол тенниси билан шуғулланаётган болажонларга тенг келадиган рақиб топилмади. Аммо, ушбу мусобақанинг шаҳар босқичида тўғрагимиз азёolari 6-ўринни қўлга киритиш-

ди. Демак, ҳали бу борада бажарадиган ишларимиз жуда кўп. Баҳор фаслида туман миқёсида Чилонзор туман биринчилигида ғолиб бўлган 43-БЎСМ ўқувчилари юртимиз Истиклолининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган стол тенниси мусобақасида яна ғолиб бўлишди. Айниқса, биринчи ўрин соҳиби бўлган Нуриддин Обиджоновнинг хатти-ҳаракатлари мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман, 43-сонли БЎСМ стол тенниси тўғрисидаги Чилонзор туманидаги 128, 178, 202, 173, 188-мактабларда тахсил олаётган ўқувчилар қатнайдилар. Аммо, шахримизнинг ҳар бир туманида яшовчи теннис мухлислари ҳам спорт мактабимиз тўғрисида иштирок этишлари мумкин.


Тўғрагимизнинг ўз олдига қўйган мақсадларидан бири стол теннисини болалар ва қизлар ўртасида ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ихтидорли болажонларни профессионал спорт теннисчиси даражасига етказиш, шунингдек, Ўзбекистон терма жамоасига номзодларни тайёрлашдир.

Ҳозирги кунда мухлисларга маълумки, стол тенниси бўйича Хитой, Япония, Германия, Хитой Тайпейи, Жанубий Корея, Австралия, Россия ва Венгрия спортчилари жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Орузми, мамлакатимиз стол теннисчилари орасида номлари юқорида зикр этилган мамлакатлар спортчилари билан тенгма-тенг рақобатлаша оладиган ёшлар камол топсин.

Ушбу спорт тури билан шуғулланган инсон энг аввало зукко, ҳушёр, чаққон ҳамда бақувват бўлади. Чунки стол тенниси шарининг тезлиги соатига 200 километрни ташкил этади. Шунинг учун ҳам стол тенниси билан шуғулланадиганларнинг кўзи тиник, қўл, оёқ мушаклари бақувват бўлади.

Шу боис ҳам азиз ота-оналарга фарзандларингизни стол тенниси билан шуғулланишларига имкон беринг, кейин хурсанд бўласиз, дея мурожаат қиламан.

Абдулаҳад РАСУЛОВ,
Чилонзор туманидаги 43-сонли БЎСМ
стол тенниси мураббийси



Ўлкамизда олтин куз

СОЗИМДА ВАТАН ВАСФИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Созимда Ватан васфи» мавзусида ижодий мулоқот бўлиб ўтди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Хайдаров, Ўзбекистон халқ шоирлари А.Обиджон, И.Мирзо, Ўзбекистон халқ артисти О.Назарбеков, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хужаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мусиқа санъатини кенг ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар миллий мусиқа санъатимизни ривожлантириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини янада бойитиш, ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқимизга манзур бўладиган қўшиқлар яратишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда қўллаб-қувватлов ва фестиваллар, нуфузли халқаро мусиқа анжуманлари мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, маданият уйлари ва клублар, маънавият марказларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш, уларни зарур ускуна ва жиҳозлар, замонавий технологиялар, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш, фаолиятини замон руҳига мос йўлга қўйиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси фаолиятида ёш хонандаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодини юксак талаб ва мезонлар асосида йўлга қўйишга яқиндан қўмақлаштириш муҳим ўрин тутди. Бирлашма қошида ижодий студия, махсус кутубхона ташкил этилгани ёшларнинг самарали фаолият кўрсатишига ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жонли ижродаги қўшиқларни кенг оммалаштириш, Ватанимизни, ибратли анъана ва қадриятларимизни, чин инсоний туйғуларни тараннум этувчи бадиий юксак қўшиқлар яратишни рағбатлантиришга оид қатор ижодий лойиҳалар мунтазам ўтказилмоқда.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида нашр этилган ёш қаламкашлар ижод намуналаридан иборат «Созимда Ватан васфи» шеърӣ тўпламининг тақдими бўлиб ўтди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз саломатлигини муҳофазалаш, хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, тиббий профилактика ишларини изчил ташкил этишга қаратилаётган доимий эътибор мамлакатимизда эпидемиологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилаётди. Айрим мамлакатларда бу борадаги вазият мураккаблашиб тургани, куйдирги ва бошқа баъзи хавфли касалликлар инсон саломатлиги ва жамият тараққиётига катта хавф солаётгани ҳушёрлик ва огоҳликни янада кучайтиришни тақозо этаётди.

Тиббий маданият

ПРОФИЛАКТИКА — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази бош врач Баҳром АЛМАТОВ ЎЗА мухбирига бу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар ва вазифалар хусусида куйдагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимизда хавфли юқумли инфекцияларга қарши курашиш ишларини ташкил этишнинг замонавий тизими яратилган, — дейди Б.Алматов. — Бу борада махсус чора-тадбирлар режаси асосида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар, тиббий-илмий марказлар, санитария-эпидемиология, ветеринария соҳаси мутахассислари, шифокорлар ҳамкорлигида изчил ишлар олиб борилаётди. Бу жараёнда жойлардаги санитария нazorати постлари ва ветеринария шохобчалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қушхоналар, гўшт дўконлари ҳамда бозорларда гўшт ва сут маҳсулотлари сифатини қатъий назоратга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олимларимиз томонидан, хусусан, хавфли юқумли касаллик — куйдиргининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш йўллари такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилаётди.

Куйдирги аслида ҳайвонларга хос касалликдир. У инсонга шу хасталикка чалинган жониворларни парваришлаш, сўйиш, тозалаш, етарли термик ишлов берилмаган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали юқади. Шу боис, аввало, жониворлар орасида касаллик тарқалишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда уй ҳайвонларини касалликка қарши эмлаш ишлари кенг йўлга қўйилган. Бозорлар, савдо мажмуалари, дўконларда сотилаётган гўштининг сифатини доимий назорат қилиш тизими яратилган. Сифатли, тўйимли гўшт ва гўшт маҳсулотларини тайёрлаш, истеъмолчиға санитария талабларига мос ҳолатда етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази мутахассислари тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда яратган бозорлар ва савдо дўконларида гўшт маҳсулотлари сотилишига қўйилаётган талаблар тўғрисидаги йўриқномалар бу борада муҳим қўллама бўлмоқда.

Касалликнинг мамлакатимизга четдан кириб келишининг олдини олиш давлатимиз чегараларида фаолият юритаётган санитария нazorати пунктлари фаолиятининг муҳим йўналишидир. Ушбу муассасалар замонавий тиббий-диагностика ва лаборатория-таҳлил воситалари билан жиҳозлангани мазкур постлардан ўтаётганларни тез ва самарали тиббий кўриқдан ўтказиш имконини бермоқда. Чегара постларидан мамлакатимиз

миз ҳудудига кираётган ҳар бир транспорт воситаси махсус йўлаклар орқали текшириб ўтказилмоқда.

Касалликнинг одамлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида инфекция юқиш хавфи юқори бўлган чўпонлар, қассоблар, ветеринария соҳаси ходимлари эмланмоқда. Чегара ҳудудлардаги аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллик юқиш хавфи бўлганлар эмлашга жалб этилаётди.

Касалликнинг олдини олиш ва инсон саломатлигини асраш тиббиёт ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юқлайди. Бу борадаги вазифаларни ҳаёта татбиқ этиш мақсадида шифокорларимиз иштирокида куйдирги касаллигининг ўзига хос хусусиятлари, олдини олиш ва даволашнинг самарали услублари бўйича доимий семинарлар ташкил этилмоқда. Тиббий-профилактика ишларини тизимли асосда ташкил этишга катта эътибор қаратилаётди.

Илмий манбаларда куйдирги касаллиги бактериясининг спорали шакли ташқи муҳитга жуда чидамли экани қайд этилган. Олимлар унинг юз йилгача туپроқда тирик сақланиши мумкинлигини аниқлаган. Шу боис бу муаммо бартараф этиш ҳақон тиббиётининг доимий диққат-эътиборидаги долзарб вазифалардандир.

Мамлакатимиздаги тиббий-илмий муассасалар олим ва тадқиқотчилари, соҳа мутахассислари бу йўналишда изчил илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқда. Изланишлар жараёнида профилактика ва даволаш самардорлигини ошириш, куйдиргининг табиий ўчоқлари устидан мунтазам лаборатория кузатувини такомиллаштириш бўйича олинаётган янги илмий ҳулосалардан амалда самарали фойдаланилаётди.

Қўллаб ўта хавфли инфекцияли касалликлар каби куйдиргининг олдини олиш ва бу касалликдан ҳимояланиш ҳам ҳар бир инсоннинг тиббий маданиятига боғлиқ. Бунинг учун, аввало, гўшт ва гўшт маҳсулотларини харид қилаётганда унинг сифат сертификатига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш, бундай маҳсулотларни яхшилаб пишириб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хонадон шaroитида чорва молларини парваришлашда тозалик, озодлик, санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этиш лозим. Молларни ветеринария кўригидан ўтказиб туриш, куйдиргиға қарши эмлатиш, касал бўлган молларнинг сўйилишига йўл қўймаслик, молларни рўхсат этилган жойларда, ветеринария кўригидан ўтказиб сўйиш одамлар орасида касаллик тарқалишининг олдини олишнинг энг самарали йўлидир. Бундай қоидаларга риоя этиш орқали ҳар бир инсон ўзи ва ўзгаларнинг соғлигини асраш, юрти-мизда эпидемиологик барқарорликни сақлашга ҳисса қўшган бўлади.

Баҳром ХИДИРОВА ёзиб олди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



**Саноат корхонаси
ишлаб чиқариш
жараёнига тажрибаси
бўлган**

— 4-6 тоифали электр
монтажчилар;
— 4-6 тоифали
электрикларни доимий
ишга қабул қилади.

Иш ҳақи 2 миллион сўм
ва ундан юқори.

**Корхона ишчиларни хизмат
транспорти, бепул овқат
билан таъминлайди. Иш ҳақи
ўз вақтида тўланади.**

(90)352-36-05
(90)982-56-44
Мулоқот учун телефонлар:
(93)172-44-07
(90)167-17-58

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдо-ларига тақлиф этади!

Савдога Шайхонтохур туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖК-1-88/2006-сонли ижро ҳужжатиға асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовли-чилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терраса), ер-тўла, айвон, шийпон (беседка), бассейни ва ёғи ош-хоналаридан иборат 67-сонли дала ҳовли такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 127 151 127 сўм.

Савдо 2013 йил 29 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2013 йил 27 ноябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ куйдагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 31.10.2013 йилдаги 214-сонли ва «Халқ сўзи» газетасининг 01.11.2013 йилдаги 214-сонлида чоп этилган хабарномалар билан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Учтепа тумани, 1-тор Лолазор кўчасида жойлашган 52-уй аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Савдодан олишга асос: Учтепа тумани СИБнинг 11.11.2013 йилдаги 115/12-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Мудоваға кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши масъул ходими Эшутхур Буриевға волидаи муҳтарамаси **Кимия Сариевна ХАЙДАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 13 ноябрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинга шайқо бўлмайди. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ, 1 даража илқ апрофида, кундузи эса — 13-15 даража бўлади.

ри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яради. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фозиз кўнайтириш тахмин паст бўлади.

ЯНГИ КЎРГАЗМА

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси ва Словакия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган фотокўргазма очилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фотокўргазманинг очилишида рассомлар, фотоижодкорлар, санъатшунослар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик коргус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулд-дан ва мухтор элчиси П.Иван ва бошқалар Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги ҳамкорлик сиёсатини, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ришталари маданий-маърифий соҳаларда ҳам изчил равнақ топмоқда. Жумладан, ўзбекистонлик мусаввирлар, фотоижодкорлар Словакияда ўтказиладиган кўргазмаларда, анжуманларда мунтазам иштирок этмоқда. Айни пайтда словакиялик ижодкорлар Тошкентда ўтказиладиган халқаро биеннале, фотокўргазманинг фаол иштирокчиларидир.

Фотокўргазмада мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик муносабатлари, икки халқнинг анъана ва қадриятлари ўз ифодасини топган суратлар намоиш этилмоқда.

(ЎЗА)

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, ҳаммага маълумки, республикамиз миқёсида ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Жорий йилда ҳам ноябрь ойидан декабрь ойига қадар республикамиз миқёсида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Бундан кўзланган асосий мақсадимиз энг аввало Сиз ҳамшаҳарлар билан биргаликда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишдир.

«101»

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК

Чунки республикамизга киш фасли кириб келмоқда. Киш фаслида инсонлар кўп ҳолларда фаслнинг совуқлигини оддий қоидаларга риоя қилмасликларига оқибатида қанчадан қанча уйлар, мактаб, бог-чалар, корхоналар талафот кўриб ёниб қулға айланади, энг ачинарлиси ёнғинлар натижасида инсонларнинг ҳалок бўлишидир.

16 декабрь куни Мирзо Улуғбек тумани Хирмонтепа 4-тор кўчаси 77-уйда газ печасидан фойдаланиш эҳтиётсизлиги туфайли яшаш хонасида ёнғин содир бўлиб уй биносининг шифти ва томи бутунлай ёнган, яшаш хонасидаги уй буюм ва жиҳозлари ёнғиндан зарар кўрган.

21 декабрь куни Мирзо Улуғбек тумани Мирхосилбой кўчаси 14-шахсий уйдаги дудбурон носозлиги натижасида ёнғин содир бўлиб, 150 метр квадрат майдонда ҳаммом, ошхона, уй биносининг том қисми буткул ёнган.

21 декабрь куни Мирзо Улуғбек тумани Фазалкент 1-тор кўчаси 3-шахсий уйда газ печи (контрамарка)ни назоратсиз қозиб қизиб кетиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, 65 метр квадрат майдонда уй ички хоналари ва том қисми буткул ёниб кетган.

22 декабрь куни Мирзо Улуғбек тумани Бўзариқ 1-берк кўчаси 17-шахсий уйдаги дудбурон носозлиги оқибатида ёнғин содир бўлиб, уй биносининг яшаш хоналари ва том қисми 50 метр квадрат майдонда ёниб кетган. Ваҳоланки ушбу мисоллар 2012 йил декабрь ойининг олти куниди содир бўлган.

Азиз ҳамшаҳарлар, қўриб турганингиздек юқорида келтирилган ёнғинларнинг келиб чиқиши оддий қоидаларга риоя қилинмаслик оқибатида, бундан ташқари аксарият ёнғинлар қуриган ўт ва шох-шаббалардан, бо-



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1141

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8594 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.30